

2022 йил 12-н. Санада даги  
03/2-003-сон шартномага  
ИЛОВА

Фойдаланишга қабул қилинган газдан фойдаланиш усулчалари  
РУЙХАТИ

Фойдаланиш турини: ОРИС

Кальстр № 231101030100470001

Табий газ тарифи \_\_\_\_\_ сум \_\_\_\_\_ тўғриси

№	Қароқчи участка, кв. рақ.	Адреслар		Даволатий газ тарфи, м.куб/сон	Газдан қилинган оқини приборларнинг турлари
		номи	сони		
	<u>Қоқча</u>	<u>БК</u>	<u>3</u>	<u>27</u>	<u>ОРИС 6-10</u>

Қилинган:



Раҳбар: \_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.)  
Исқом: \_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.)



Исқом  
(Ф.И.Ш.)



Табий газни улгураи истеъмолчиларга етказиб бериш ва қабул қилиш  
ШАРТНОМАСИ

2022 йил 20-санада 03/2-003-сон шартнома тўғрисида

Низом асосидан фойдаланиш турини қарор қилинган Республика раҳбари  
Қўшмада тузилма Илова Бўлим  
(кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб аталади), раҳбари Б.Нароқкарамов

бир томондан ҳамда Низом на 2022 йил 12-санада берилган 03-19-03/33-сонли  
ишончсиз асосидан фойдаланиш турини "Худудгаз Қоракалиноғистон" ГТФ (газ  
таъминоти ташкилоти номи) (кейинги ўринларда "Етказиб бериш" деб  
аталади), раҳбари К.Ахмедов иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида маълум  
шартномани туздилар:

**I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

- 1.1. Етказиб беришга ўз зиммасига газ тармоқлари орқали Истеъмолчининг  
қилинган буюртмасига бўйича табий газ (сейилларда ўринларда газ деб аталади)  
етказиб бериш мажбуриятини олади, Истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу шартноманинг  
1.4-бандида кўрсатилган хажмда газни қабул қилиш мажбуриятини олади ҳамда  
тўловларни белгиланган нарх бўйича ўз муддатда амалга оширилади.
- 1.2. Етказиб беришга газни ушбу шартномага на газлаштириш доирасига  
мувофиқ, газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертифицирланган эга газ  
қурilmалари, шунингдек, электрон газни ҳисоблаш приборлари (кейинги ўринларда  
ҳисоблаш приборлари деб аталади) мажбул бўлишида етказиб берилади.
- 1.3. Истеъмолчи Етказиб беришга таъминланган меъриларга (Табий газдан  
фойдаланиш қилинган 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга (ёки  
қўрсатилган момент) нисбатан келгуси йилда газга асосланган эҳтиёжин тақдим  
этади.
- Истеъмолчи жорий йилнинг 15 июль кунига қадар келгуси йилда истеъмол  
қилинган таҳмин қилинган газ хажми бўйича буюртма берилади.
- 1.4. Истеъмолчи билан қилинган буюртма бўйича етказиб бериладиган  
газ хажми техника шартларида белгиланган босим ва хажмда 2022 йилда 13 636  
куб.м, нархи 2999.400 сумни ташкил қилади, жумладан чораклар на ойлар  
бўйича қуйидагича тақсимланади:

I чорак	13,6	минг м3, январь	6,8	февраль	6,8	март
II чорак		минг м3, апрель		май		июль
III чорак		минг м3, июль		август		сентябрь
IV чорак		минг м3, октябрь		ноябрь		декабрь

Етказиб берувчи томонидан хизматларни тўлиқ хажмида кўрсатиш учун магистрал ва газ тақсимоти тармоқларининг ишлаши иккидан чикокан тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорига қайд этилган стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчиларга 20\_ йилда зарур бўлган табиий газнинг минимал хажми \_\_\_\_\_ минг куб метрни, шу жумладан чораклар ва ойлар бўйича қуйидагини ташкил қилади:

I чорак _____	миникуб.м.	январь _____	февраль _____	март _____
II чорак _____	миникуб.м.	апрель _____	май _____	июнь _____
III чорак _____	минг куб.м.	июль _____	август _____	сентябрь _____
IV чорак _____	миникуб.м.	октябрь _____	ноябрь _____	декабрь _____

1.5. Агар, Истеъмолчи ойлар бўйича бўлинган буюртманома ни тақдим этмасда, Етказиб берувчи томонидан чорак учун ажратилган табиий газ хажми ойлар бўйича бир хил миқдорда тақсимланади.

1.6. Етказиб берувчи Истеъмолчи буюртмаларини табиий газ ресурсларининг ва газни тақсимлашнинг тақдирланган балансига мувофиқ ажратилган хажмлар доирасида қайта кўриб чиқиши мумкин. Истеъмолчи томонидан шавбатдаги ой (чорак) учун кўрсатилган табиий газ хажмлари ўзгариши бўйича 10 кун олдин газ таъминоти ташкилотига хабар берган тақдирда, бундай ҳолат ортқича олинган газ миқдори деб ҳисобланмайди.

## II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Газ ушбу шартномада қайд этилган (1.4-банд) муддатларда ва хажмларда ҳамда ГОСТ 5542-2014 (Сановат ва коммунал фойдаланиш учун табиий ёнғичи газлар) га мувофиқ тарздаги табиий газни етказиб берилади.

2.2. Истеъмолчи Етказиб берувчидан ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида асосан жорий ой учун газ истеъмолининг сутналик метри доирасида газ қабул қилиб олади, шунингдек, ой охирида тузилган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини имзолайди.

2.3. Етказиб берувчи Истеъмолчига 24 соат ичда газ етказиб бериш ва қабул қилиш тартиби ва шартлари ўзгаришнинг туғрисида барча усуллар орқали Истеъмолчининг хабардор қилиши шарт.

Етказиб берувчининг авария-диспетчер хизматлари телефон рақамлари:

104. (61) 346-21-04.

Истеъмолчи мингилли на телефон рақами:

(61) 346-16-75 91-305-36-61.

2.4. Етказиб берувчи Истеъмолчинга газ етказиб бериш юсқартирилишига қадар қамда 24 соат аввал бу ҳақида хабардор қилиши шарт, магистрал газ қуруларига юз берган авария ҳолатлари бундан мустасно. Истеъмолчи хабардор қилингандан кейин газ етказиб бериш дарҳол юсқартирилади ёки тўхтатилади.

2.5. Магистрал ва тақсимловчи газ қуруларининг технологик иш режамлари бузилганда, шунингдек, куз-киш мавсумида ижтимоий сода объектларини ва аҳоли истеъмолчиларини бир маромда табиий газ билан таъминлаш мақсадида Етказиб берувчи Истеъмолчининг огоҳлантирган ҳолда газ етказиб беришни чеклаш ёки тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга. Истеъмолчи эса захира ёнғичи туридан фойдаланишига ўтади.

2.6. Истеъмолчи Етказиб берувчи билан газ етказиб бериш-қабул қилиш доирасида тезкор маълумотларни муиттаам алмашишни таъминлаш учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

2.7. Истеъмолчи захира ёнғичи туридан фойдаланиши кўзда тутиши ва уни старли миқдорда (3 ойдан кам бўлмаган муддатга) шакллантириши шарт. Истеъмолчи Етказиб берувчининг асослиги талаби билан табиий газдан фойдаланиш қондаларига мувофиқ захира ёнғичига ўтиши ва газдан фойдаланишини тўхтатиши лозим. Газ етказиб беришнинг тўхтатилиши тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади.

2.8. Истеъмолчи ўзига тегишли бўлган газ тармоқлари ва уларда ўрнатилган усқуналар, ГТН (газ тақсимлаш пункти), газдан фойдаланиш усқуналаридан соз ҳолда фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда сиклаш учун жавобгар ҳисобланади.

2.9. Истеъмолчининг қўшимча газдан фойдаланиш усқуналари ўрнатилиши, реконструкция қилиниши ёки таъмирланиши оқибатида газ сарфлаш хажми ўзгаришига олиб келган ҳолларда, Истеъмолчи Етказиб берувчидан қўшимча газдан фойдаланишга усқуналарини ўрнатиш ёки реконструкция қилишга техник шартларни олинган шарт. Газ тармоқларига улашни Табиий газдан фойдаланиш қондаларига мувофиқ амалга оширилади.

2.10. Истеъмолчи ёки Етказиб берувчининг қўлон рекламизтлари ўзгариш ҳолатларда улар зудлик билан бир-бирини бу ҳақида хабардор қилиши шарт.

2.11. Табиий газни казиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш режамининг ягона узлуқсиз технологик жарёнини ҳисобга олиб, табиий газни Ишлаб чиқарувчи ва Етказиб берувчининг талабларини бажариш Истеъмолчилар учун мажбурий ҳисобланади.

## III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

3.1. Газни ҳисобга олмадан етказиб беришга йўл қўйилмайди.

3.2. Етказиб берилган газ миқдори газ тармоқлари бўлиниши чегарасида ўрнатилган ҳисоблаш приборлари кўрсаткичлари ёки ўлчаш комплексси бўйича аниқланади ҳамда ҳар икки томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Газ тармоғи бўлиниши чегараси (Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоғининг бошлиғини ҳисоблаш) Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртисидаги, тегишлилиги бўйича аниқланадиган газ тармоғи бўлиниши нуктаси ҳисобланади на унда ҳисоблаш приборлари ўрнатилиши шарт.

3.3. Бирлиқ миқдори стандарт шартда 1 м<sup>3</sup> газ олинади: қарорат 20° С, босим 101,325 кРа (760 mmHg) (ГОСТ 2939-63 1.1-бандига асосан). Газ хажми газнинг физик-кیمیый параметрлари (стивларт шартда, азот ва қарбонат ангидрида) қийматлари бўйича тузатилади.

Газ миқдори "Ўзстандарт" агентлигининг метрий-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларига мувофиқ газ миқдорини стандарт шартдаги автоматик равишда келтирилган газни ҳисоблаш приборлари ёрдамида аниқланади.

3.4. Етказиб берувчининг ёки Истеъмолчининг балансида бўлган газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплексси унинг мулки ҳисобланади.

3.5. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплексси таъмини тегишли қондалар ва метрийларга мувофиқ амалга оширилади на Етказиб берувчи билан қилинилади. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплексси газ

истемолдини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизим (ТТХНАТ-АСКУГ) ларига уланishi лозим.

3.6. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексини ўрнатishi ва ишлатishi амалдаги кондалар ва мезёрларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

3.7. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексига эгаси уни ишлатishi давомида O'z DSt 8.030:2008 "Ёкини ва энергия. Ҳисобга қўйиладиган умумий талаблар", O'z DSt 8.031:2008 "Ёкални ва энергия. Ўлчаш приборлари билан жиҳозлаш ва уларни ишлатishi" давлат стандартлари талабларига, шунингдек ўлчаш приборлари ишлаб чиқарувчининг талабларига риоя қилиши.

3.8. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг метрологик ва техник тавсифлари амалдаги мезёрлар ва кондаларга мувофиқ бўлиши керак.

3.9. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари "Ўзстандарт" агентлигининг жорий қиёслов кўригидан ўтказилган сертификат ва/ёки метрологик аттестациясига эга бўлиши керак. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг қиёслов кўригидан ва/ёки метрологик аттестациясидан ўтиш даврини "Ўзстандарт" агентлиги белгилайди.

Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари эгаси газ ўлчаш приборларини қиёслов кўригидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексларини (ва унинг таркибий қисмларини) "Ўзстандарт" агентлигида метрологик аттестациядан ўтказишнинг ўз вақтида бажарилиши учун масъуладир.

3.10. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (қиёслов кўриги/калибрлаш, тораёиш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатishi техник ва/ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва ихкака томоннинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатishi, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги мезёрлар ва кондаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

3.11. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (қиёслов кўриги/калибрлаш, тораёириш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатishi техник ва/ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва ихкака томоннинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатishi, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги мезёрлар ва кондаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

Етказиб берувчининг вакилини газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексининг эгаси чақиради.

3.12. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларини модернизация қилиш, газ ўлчаш приборларини алмаштириш, газни ўлчашнинг бошқа усулларини тавлаш масалалари Етказиб берувчи билан келишалади.

3.13. Газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитдаги зичлик, азот ва карбонат ангидрида) газ ўлчаш приборининг конфигурациясига юритилади.

Газ ўлчаш приборининг эгаси газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида газ ўлчаш приборини конфигурациясига юритишини таъминлайди. Етказиб берувчи Истеъмолчига газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида етказиб берилишини таъминлайди.

3.14. Етказиб берувчи ўзининг тамгаларини газ ўлчаш приборларига ва/ёки ўлчаш комплексининг газ ҳажмини ўлчашга таъсир қилмаган қисмларига Истеъмолчи иштирокида ўрнатади ва тегишли далолатнома тузилади. Ўрнатилган тамгаларни бутлилга Истеъмолчи жавобдардир.

3.15. Етказиб берувчи Истеъмолчининг газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари ва уларнинг таркибий қисмларининг тўри ишлашини кузатиш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга, Истеъмолчи Ўзбекистон Республикасига қонунийлигига мувофиқ Етказиб берувчи вакиллариининг ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчаш комплексларига тўсқинчи киришини таъминлайди.

3.16. O'z DSt 8.586.(1-5)-2005 бўйича ўлчов комплексига ва ўлчаш приборларига ишида ғайритаъбиий ҳолатлар юзига келган тақдирда O'z DSt 8.064:2017 бўйича газнинг миқдори ҳисобланади (корректировка). Ўлчаш қурилмаси ва /ёки ўлчаш комплексига фаоллигига руҳсатсиз яралишини ҳолатлари бундан мустасно.

3.17. Олинган газ учун ҳисоб-китоб, қуйилган ҳолларда тамгаланимаган газдан фойдаланиш усулининг 24 соат давомида ишлаб туриш ҳисоб-китобидан амалга оширилади:

а) газни ҳисобга олмаган ҳолда газ истеъмолчи – газни ҳисоблаш прибори ва газни сифр қилиш нормаси бўлмаганда, газни ҳисоблаш приборини четлаб ўтган ҳолда истеъмол қилиш (ноқонуний байпас линиялари улантилганда) охирига ҳитловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан аниқланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

б) ҳисобга олиш приборини улаш тартиби ва схемаси ўзгартирилганда - охирига ҳитловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

в) ҳисобга олиш прибори бузилганда (ҳисобга олиш прибори бузилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда) – шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларини инобатга олган ҳолда бир ҳисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтга;

г) ҳисобга олиш прибори мавжуд бўлмаганда – қиёслов кўригидан ўтказиш учун ечилганда – ҳисобга олиш прибори ечилган кундан "Ўзстандарт" агентлигидан қиёсловдан ўтказилиб, сертификат олиниб жойига ўрнатилган кунгача бўлган вақтга;

д) ҳисобга олиш приборини қиёслов кўригидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексини метрологик аттестациядан ўтказиш муддати туғалганда – қиёслов кўригидан метрологик аттестация ўтказиш муддати туғалган кундан қиёслов кўригидан ёки метрологик аттестация ўтказиш учун ечилган кунгача бўлган вақтга;

е) ҳисобга олиш прибори ёки ўлчов комплексининг қисмларига ўрнатилган тамгаларнинг бутлиги бўзилганда – охирига кўриқ ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб, лекин бир ҳисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтга;

ж) ҳисобга олиш приборини ўзбошимчалик ечиб қўйилганда – охирига кўриқ ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтга;

з) газни тарқатиш тармоқларининг технологик режимини бузилган газ қурулмида ёки ГТШларда асбоб-ускуналар ўрнатилганда - охирига кўриқ ёки газ

таъминоти ташкилоти вақили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқлашган кунгача бўлган вақтда;

и) Газ ҳисоблаш ускунасининг конфигурацияларига ноқонуний тарзда ташқи таъсир кўрсатган ҳолда табиий газни истеъмол қилиш ҳолатлари аниқланганда— ташқи таъсир кўрсатилган кундан бошлаб (агар арашашув кунини ва фактини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлса), бирок даво муддатидан ортиқ бўлмаган мuddатга;

к) ҳисобга олиш приборининг хотирасида сақланган архив маълумотларини йўқотиш, газ ўлчашни автоматлаштирилган тизимдан ҳисобот ойда маълумотлар олиш имкони бўлмаганда ёки етказиб берувчининг оператив журналларидан олинган маълумотлар бўлмаган тақдирда. (Ҳисоб-китоб учун ТҲНАТ (АСКУГ) тизими жорий қилинган истеъмолчиларда ҳисобот даври учун архив маълумотлари мавжуд бўлмаган ҳолларда истеъмол қилинган табиий газ ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар ТҲНАТ тизимида қайд этилган маълумотлардан олинади);

л) газ истеъмоли ҳажмлари ҳисобга олиш приборининг руҳсат этилган максимал ўлчов чегарасидан ортиқча бўлганда, пломбалашмаган газ жиҳозларидан фойдаланишдан газ учун ҳисоб-китоблар охирига хатловдан ўтказилиш далолатномаси тузилган кундан, хатлов далолатномаси мавжуд бўлмаганда эса — газ таъминоти ташкилоти вақили томонидан охириги марта бориб кўрилган кундан амалга оширилади;

м) таллаштириш ҳужжатларини расмийлаштирмастан истеъмолчи томонидан қўшимча газ қурилмаси ўрнатилиш ҳолати аниқланганда (қўшимча газ аниқлашнинг ўрнатиб олиб фойдаланиётганлик факти бўйича асослангирувчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда)—бир ҳисоб-китоб даврига;

3.18. Истеъмолчининг ҳисобга олиш прибори газ ҳажмини пастки чегараси остида сарфланганда, газ ҳажми ҳисобга олиш прибори ва/ёки ўлчов комплексининг метёр-техник ҳужжатларида кўрсатилган ўлчовининг пастки чегарасида олинади.

3.19. Етказиб берувчи томондан етказиб берилган газ ҳажмининг ишончлилигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборларининг ишлаши бузилган ҳолатлар аниқланганда, Етказиб берувчи "ўзстандарт" агентлиги бўлимида ўлчов комплекслари ва газни ҳисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Агар ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборлари носот бўлса, экспертизадан ўтказилган учун тўловлар Истеъмолчи томондан, соз ҳолатда бўлганда эса — экспертиза ўтказилиши талаб қилган Тараф томонидан амалга оширилади.

3.20. Агар ҳисобга олиш прибори ишдан чиққанлиги ҳисобга олиш прибордан газ сениб чиқishi ҳолатлари аниқланган тақдирда Истеъмолчи 24 соат ичида Етказиб берувчига бу ҳақда хабар бериши шарт. Шунингдек корхонадаги газ ишлатилган асбоб-ускуналарни ишлаш графигини тузиши ва ишламайдиган газ асбоб-ускуналарини Етказиб берувчи билан биргаликда ўчириб тавғаланишини таъминлаши шарт.

3.21. Ҳисобга олиш приборларида газ сениб чиқishi ҳолати аниқланган тақдирда қайта ҳисоб-китоблар охириги кўриқ ёки газ таъминоти ташкилоти вақили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача, лекин дaвo мuddатидан кўп бўлмаган даврда амалга оширилади.(O'z DSt 8.586 га кўра газни аниқлаш тизимлари герметик ҳолатда бўлиши керак).

## IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБИНИ АМАЛГА ОШИРИШ

4.1. Истеъмолчи мазкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни амалга ошириши шарт.

4.2. Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигитомонидан амалдаги қонунийликка мувофиқ белгиланади.

4.3. Истеъмолчи ҳисоб-китоб қилиш даври бошланишдан камда 5 кун олдин Етказиб берувчининг ҳисоб рақамига ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида кўрсатилган ойлик газ ҳажми қийматининг 30 фоиз суммасини олдиндан тўлайди.

Ҳисоб-китоб даври бошланишдан камда 5 кун олдин ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш ҳоҳишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга оширилган даври кўрсатиб етказиб берилган табиий газ учун 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида ҳисоб-китоб қилиш тўғрисида Етказиб берувчига билдирги тартибда мурожаат қилишга ҳақлиқар. Бундай ҳолатларда истеъмолчилар ҳисоб-китоб даври бошланишдан камда 5 кун олдин газ таъминоти ташкилотиининг ҳисоб рақамига табиий газ етказиб беришга тузилган шартномада кўрсатилган ойлик табиий газ ҳажми қиймати суммасининг 50 фоизни миқдорда олдиндан ҳақ тўлашлари шарт. Амалда истеъмол қилинган табиий газ ҳажми учун яқиний ҳисоб-китоб ҳисобот ойининг охиригача амалга оширилади.

4.4. Истеъмолчига газ олдиндан тўловсиз етказиб берилмайди.

4.5. Олдиндан тўлов амалга оширилмаган тақдирда, Истеъмолчига газ етказиб берилмайдди (стратегик корхоналар ва иқтимоий аҳамиятта эга истеъмолчилар бундан мустасно).

4.6. Истеъмолчи ҳар ойнинг 10 санасига қадар амалга ойда истеъмол қилинган газ учун яқиний ҳисоб-китобни амалга ошириши керак.

4.7. Стратегик ва иқтимоий аҳамиятта эга Истеъмолчилар ҳисоб-китоб қилиш ови тутатандан кейин 30 кун мобайнида олинган газ учун яқиний ҳисоб-китобни амалга ошириладилар.

4.8. Табиий газдан фойдаланишда Истеъмолчининг айби билан табиий газ етказиб беришга шартномада кўрсатилганидан ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда, авасе тарзда тўланган маблағлар қайтариламайдди, кўрсатиб Утилган маблағлар эса келгусида газдан фойдаланишда ҳисобга олинади.

4.9. Истеъмолчи томонидан табиий газ етказиб бериш учун тузилган шартномада белгилангандан кўп ҳажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан олдиндан келишилмасдан газ олинган тақдирда, Истеъмолчидан шартномадаги ҳажмлардан ортиқча олинган табиий газ қийматига нисбатан 1,4 коэффициент билан оширилган тўлов ундирилади.

Бунда, белгиланган тартибда ҳисоблаш приборини алмаштириш, таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, текшириш ва созланиши мониторинг қилиш учун ечиб олиш, шунингдек, Истеъмолчига алоқадор бўлмаган турал хил (электр таъминоти носозлиги, чикмоқ, қисқа туташув ва х.к.)даги техник носозлиқлар аниқланганлиги сабабдан истеъмол қилинган табиий газ ҳажмини ўрнатилган газ асбоб ускуналарини тўлик қуввати бўйича ҳисоб-китоб қилиниши натижаида шартномадаги ҳажмлардан ортиқ ҳажмларни ташкил қилган ҳолатлар бутилган мустасно.

уланган газдан фойдаланиш ускунасининг бир суткада 24 соат ичида тўлик қувват билан ишлаб туриши ҳисобидан аниқланади.

4.19. Газ учун амалдаги тарифлар (нарсалар) ўзгартирилди. Етказиб берувчи бу ҳақдаги ахборотни ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситаларини орқали хабардор қилади. Газ учун тарифлар ўзгартирилди, мазкур шартнома ўз кучида қолади, истеъмол қилинган газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у қонунда белгиланган тартибда кучга кирганидан сўнг амалга оширилади. Бунда истеъмолчи табиий газнинг газнинг авани тарихида тўланган ҳажми учун тўлов қундан бошлаб қўли билан кейинги 1 ой қўшимча тўлов тўлашдан озода қилинади.

## V. ХУКУКУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН ИКОНОУНИЙ Фойдаланиш учун Жавобгарлик

5.1. Газдан фойдаланишда Истеъмолчи томонидан мажкур шартноманинг 3.17, ва 4.18.-бандида кўрсатиб ўтилган ҳужужуларига йўл қўйилиши, Етказиб берувчи ва Истеъмолчи шакллари томонидан имзоланган ва нақн нусxada тузилгандалган далолатномаси билан расмийлаштирилади.

5.2. Ушбу шартноманинг 5.1-бандига асосан расмийлаштирилган далолатномага мувофиқ Истеъмолчидан, фойдаланган газ ҳажми қиймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундириб олинади.

5.3. Бунда мажкур шартноманинг 5.2-бандида кўрсатилган ҳолатларда газ ҳажми қийматининг ундирилиши Истеъмолчини қонуқчиликка белгиланган жавобгарликдан озода қилмайди.

## VI. ТАРМОҚДАН УЗИБ ҚЎЙИШ ВА ҚАЙТА УЛАНИШ ТАРТИБИ

6.1. Истеъмолчида қуйидаги ҳолатларнинг мажбуралиги ҳамда ушбу ҳолатларнинг бартараф этилушига қадар газ тирмоқларидан узиб қўйилади:

- шартномавий мажбуриятлар бажарилмаганда;
- Етказиб берувчи шакллариини газдан фойдаланиш ускуналари ва ҳисобга олиш қурilmаларинини назоратдан ўтказишига йўл қўйилмаганда;
- фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоб ўз вақтида амалга оширилмаганлиги натижаcида қарздорлик мажбурад бўлганда;
- шартномада белгиланган буюртмаларга етарли миқдорда олдиндан тўловлар амалга оширилмаганда;
- Етказиб берувчининг ва "Ўзнефтгазиспекснинг"нинг кўрсатмалари бажарилмаганда;
- ҳисоблаш приборларига қасдан зарар етказилганда, прибор кўрсаткичларини ўзгартириш максалда уларнинг ишлашига тўсқинлик қилувчи хатти-ҳаракатлар амалга оширилган ҳолатларда;
- газни ҳисобга олиш приборларига ташқи таъсир кўрсатишига ҳаракат қилиш;
- Газдан фойдаланиш қондаларига эид равншда газ тармоқларига ноқонуний уланиш ёки бошқа қондабузарликлар ёқуд газни талон-тироқ қилиш ҳолатлари аниқланганда;

Бунда Етказиб берувчи газ таъминотининг ўчирилиши натижаcида етказилган моаддий зарар ёки бой берилган фойдал учун жавобгарлигини ўз зиммасига олмайди.

4.10. Табиий газ учун Истеъмолчининг қарни мажбурад бўлган тақдирда, унинг авани тўлови ҳисобига ўтказилган маблаглари Истеъмолчини хабардор қилган ҳолда қарзни қоплашга йўналтирилади ва авани тўлови сифатида ҳисобга олинмайди.

4.11. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ қиймати ўз вақтида тўланмаганда, Истеъмолчи мудлати ўтган ҳар бир кун учун мудлати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, лекин мудлати ўтган тўлов суммасининг 50фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

4.12. Ҳисоб-китоб ойда етказиб берилган табиий газ ҳажми Етказиб берувчи шакллари томонидан табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборидан кўрсаткичларини ёзиб олиш (ПТХНАТга уланган, шунингдек, табиий газни истеъмол қилишни ҳисобга олиш приборларига эга бўлмаган ва белгиланган метрлар бўйича ҳисоб-китоб қиладиган истеъмолчилар бундан мустасно) асосида, кейинчилик ёзиб олинган кўрсаткичлар Fossa тизимига қиритиш, шунингдек, истеъмолчилар томонидан табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини интерактив хизматлар воситаларидан фойдаланган ҳолда қиритиш орқали аниқланади.

4.13. Шартноманинг 4.12-бандига асосан кўрсаткич олингандан сўнг кейинги ойнинг 5 кунига қадар Етказиб берувчи томонидан ҳисоб-китоб ойна учун газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасига асосан истеъмолчига электрон ҳисоббарак-фактура қоборилиди.

4.14. Етказиб берувчида Истеъмолчи ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш учун ҳисобот даярида газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси Истеъмолчида қуйидаги техник ҳужжатлар мажбурад бўлганда расмийлаштирилади:

а) газни ҳисоблаш прибори хотираcидаги ҳисобот даяри учун олинган (кўчирма) архив маълумотлари;

б) Истеъмолчига тақдим этиладиган, Истеъмолчининг бўлиниш чегарасигача бўлган жойдаги газ тармоқлари ва ГТҚлардаги технологик йўқотишларнинг ҳажми тўғрисидаги далолатноманинг мажбуралиги; Бунда Истеъмолчи баланcида бўлган газ тармоқлари ва ГТҚдаги технологик йўқотишлар Истеъмолчи ҳисобига олиб қорилиди.

4.15. Истеъмолчи ойнинг 7 кундан кечиктирмаcида Етказиб берувчидан ҳисоб-китоб ойна учун газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини қабул қилиб олади, имзолайди ва бир нусхасини Етказиб берувчига жўнатилади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасига асосан электрон ҳисоббарак-фактурани қабул қилади.

4.16. Табиий газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасини имзоламаcида ёки уни эътирозлар билан имзолаш Истеъмолчини кўрсатиб ўтилган табиий газ ҳажмлари учун тўловлардан озода қилмайди. Узатилган ёки қабул қилинган газ миқдорини аниқлашдан норози бўлган томон далолатномада норозилик сабабларини мажбурий акс эттириш йўли билан ҳисоб-китоб қилиш ойна тугатилган кейин 10-кунгача бошқа томонга бу тўғрида маълум қилиб, сўнг далолатноманинг бир нусхасини Етказиб берувчи вақтига тақдим қилади. Ушбу масалани ўзaro ҳал эттиш имконияти бўлмаганда, қелишмовчилик сабаблари белгиланган тартибда кўриб чиқилиши керак.

4.17. Истеъмолчидан лебитор қарзларни ундириш Етказиб берувчи томонидан қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.18. Газ узиб қўйилгандан сўнг ўзбошимчилик билан қайта уланганда, истеъмол қилинган газ ҳажми ва унинг қиймати газ узиб қўйилган кундан бошлаб,

6.2. Тармоққа қайта уланида амалдаги конунчиликка мувофиқ Истеъмолчилдан базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорда ҳақ ундирилади. Шартноманинг 13.1.-бандида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

6.3. Газ истеъмолчини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (ПТХНАТ) ларига уланган истеъмолчилларни масофадан қайта улаш учун ҳақ ундирилмайди.

#### VII. ТАРАФЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7.1. Етказиб берувчи қуйидагиларга мажбур:

- ўзинга қарашли бўлган газ тармоқларини соз ҳолатда сақлаш ва уларни ўз ҳисобидан таъмирлаш-тиклаш;
  - ўз газ тармоқларининг техник ҳолатини ва уларда руҳсатсиз уланишларини аниқлаш учун даврий кўздан кечириш;
  - табиий газ етказиб бериш юкларини ёки тўхтилган тақдирда бу тўғриқла Истеъмолчиларни хабардор қилиш;
  - газ ҳисоблаш ускуналаридан олинган арқин маълумотларин, электрон маълумотларнинг барча параметрларини қамқил уч бил мобайнида ўзида сақлашнинг таъминлаш;
  - шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандларида кўрсатилган ҳолатлар содир этилганда ва ушбу ҳолатларни бартараф этилувигига қадар табиий газ таъминотини қўшимча оғоҳлантиришларсиз тармоқдан ўзирш;
  - табиий газнинг руҳсатсиз истеъмол қилинганлиги, газ тармоқлари молдий бойликларининг талон-тароаж қилинганлиги тўғрисида ҳуқуқни муҳофиза қилиш органларини хабардор қилиш;
  - Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасида келишилган шартлар асосида газни етказиб бериш;
  - қонунда назарда тутилган тартибда монополигига қарши давлат органининг тақдирномасига асосан шартномага ўзгартриришлар киритиш;
  - Етказиб берувчи ва иконтангли давлат органларининг мажбурий кўрсатмаларини бажариш;
  - техник хизмат кўрсатиш шартномаларига мувофиқ истеъмолчилларнинг ички газ тармоқлари, гадаан фойдаланувчи ускуналарини техник тафтишдан ўтказиш ва уларга профилактика хизмат кўрсатиш;
  - табиий газ сизиб чиқошида — дарҳол;
  - оғдат таёйрлаш учун мўлжалланган гадаан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида — бир кун давомида;
  - иситиш мавсумида иситиш учун мўлжалланган гадаан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида — бир кун давомида;
  - исик сув ва иситиш учун мўлжалланган гадаан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида (иситиш мавсумидан ташқари вақтда) — икки кун давомида;
  - Гадаан фойдаланиш ускуналарини 5 сутка мўдат ичида алмаштириш;
- Етказиб берувчи конунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7.2. Етказиб берувчидан қуйидаги хуқуқларга эга:

- техник заруратта кўра, Истеъмолчини белгиланган тартибда хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни юклартириш ёки тўхтатиш;

- газ таъминоти тармоқларига руҳсатсиз уланиш ҳолатлари аниқланганда уларни белгиланган тартибда газ тармоқидан узиб қўйиш;

- Истеъмолчилардан табиий гадаан фойдаланиш қондалари ва газни етказиб бериш шартномаси талабларига риоя этишни талаб қилиш;

- табиий газни етказиб бериш шартномасини ижро қилишдан қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама воз кечиш;

- газ тармоқларида авариянинг одадини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чораларини кўриш зарурати юзата келганда, Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни оғоҳлантирмасдан ҳамда зулдик билан хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни тўхтатиш ёки чеклаш;

- ушбу шартномада назарда тутилган ҳолатларда, аниқланган қондаларлариклар бартараф этилувигига қадар аниқдан оғоҳлантирмаган ҳолда газ етказиб беришни тўхтатиш.

- табиий газ етказиб бериш шартномасини бир томонлама бекор қилиш.

#### 7.3. Истеъмолчи қуйидагиларга мажбур:

- хисобот ойда табиий газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини ва ҳисоб-варақасини расмийлаштириш учун ҳар ойнинг 5-санасигача Етказиб берувчига электрон газ ҳисобдонини арқив маълумотлари (распечатка) ёки газни ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини тақдим этиш.
- гадаан оқолана ва тежамкорлик билан фойдаланиш;
- газ хўжалиги газ қурулари ва ускуналарини техникжаҳатдан соз ҳолатда сақлаш;

- газ тармоқларида ёки гадаан фойдаланиш ускунасида вужудга келган табиий газ сизиб чиқоши ҳолати ҳақида газ таъминоти ташқиоти диспетчерлик хизматларини зулдик билан хабардор қилиш;

- ўзининг газ тармоқлари даҳқислигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган руҳсатсиз уланишларни аниқлаш мақсадида уларни ва улардаги ускуналарини муғтазам равишда кўздан кечириб чиқиш;

- газ таъминоти ташқиотларни газ тармоқларига сертифициланганлиги, таъминоти лойиҳасига (ЛПХ) мувофиқ бўлмаган гадаан фойдаланиш ускунасининг уланишига йўл қўймаслик;

- газ етказиб берувчи вакиллари ва “ўзифтагазиспекция” ҳодимларининг (тегишли гувоҳнома кўрсатилган тақдирда) табиий газни истеъмол қилишни ҳисобга олиш приборларини ва/ёки гадаан фойдаланиш ускунасини куннинг исатилган вақтда эркин кўздан кечиришни таъминлаш;

- гадаан фойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш ҳуқуқига эга бўлган ихтисослаштирилган бригадалар ёки ҳодим ёрамаида) бартараф этиш;

- табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзгартриш мақсадида уларнинг ишлашига тўқислик қилувчи ҳаракатларини амалга оширмаслик, уларнинг қасдан бузилишига йўл қўймаслик ва ўрнатилган тамгаларнинг бутунлигини таъминлаш;

- табиий газ истеъмолчнинг ҳисобга олиш приборлари ишдаги носозлик аниқланган тақдирда, газ таъминоти ташкилотини ўзи учун қулай шаклда дарҳол хабардор қилиш.

- Газ тармоғи бўлиниши чегарасида табиий газ сарфи бўйича миль-умумотларни масофадан олиш имкониятини берувчи газ истеъмолчнинг ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган (ПГХНАТ-АСКУГ) тизимига уланган ҳисоблаш приборлари Истеъмолчи томонидан ўрнатилиши.

7.4. Истеъмолчи Етказиб берувчидан қуйидагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга:

- етказиб берилган табиий газнинг аниқланган ҳажмига ва бошқа параметрларга норози бўлган тақдирда, Етказиб берувчининг табиий газни истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари ишлашининг ишончлилигини текшириш учун комиссия ташкил этиши;
- табиий газнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда қўзда тутилган сифатда ва етказиб бериш режимида риоя қилинган ҳолда узатилиши;
- табиий газни етказиб бериш шартномаси бекор қилинганда, фойдаланилмаган газ ҳажми учун тўланган суммани қайтариши;
- табиий газни етказиб бериш шартномасини қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор қилиши;
- табиий газни етказиб бериш тўхтатиладда, зарарни қоплашни талаб қилиш (шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандлари бузилган мустасно);
- газ етказиб беришни вақтинча тўхтатишни.

Истеъмолчи қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

## VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Етказиб берувчи Истеъмолчга газ етказиб бериш шартномасига асосан газ етказиб берилмаган ёки тўлиқ етказиб берилмағлиги оқибатида етказилган моддий зарар ва бой берилган фойдани белгиланган тартибда қоплайди.

Етказиб берувчи газни етказиб бермаганлик ёки тўлиқ етказиб бермаганлик учун қуйидаги ҳолларда жавобгар ҳисобланмайди:

- а) Истеъмолчи томонидан газ таъминоти тармоқларига қўшимча газдан фойдаланиш ускунасини руҳсатсиз улаш ҳолати аниқланганда;
- б) фойдаланилган газ учун тўлов амалга оширилмаганда;
- в) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда.
- г) истеъмолчи томонидан шартнома талабларига амал қилилмаганда;
- д) мажбуриятнинг 2.5. ва 6.1. бандларида кўрсатилган ҳолларда.

8.2. Етказиб берувчи томонидан шартнома мажбуриятларининг бажармаслиги натижасида Истеъмолчга моддий зарар етказилганда, Етказиб берувчининг мансбдор шахсига нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг ўзи баробаридан ўн беш баравари миқдорда жарима қўлланади.

8.3. Шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам ҳажмда газ етказиб берилган тақдирда, Етказиб берувчига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг "Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида" ги Қонуни асосида жарима санкциялари қўлланилади, қуйидаги ҳолатлар булдан мустасно:

- а) форс-мажор ҳолатлар;

- б) магистрал газ қуурларида ва газ тармоқларида авария ҳолатлари юз берганда;
- в) қиш даврида вақтинча газ етказиб бериш чекланганда (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятларда Тошкент шаҳри ҳокимликлари қарорлари билан тасдиқланган газ етказиб бериш тармоқдан узиб қўйилмайдиган объектлар рўйхатида киритилган корхоналардан ташқари);

г) шартнома асосида Истеъмолчи томонидан ўзи зиммасига олинган мажбуриятлар бажарилмаганда.

8.4. Етказиб берилган табиий газнинг сифати шартнома ёки норматив ҳужжатларга нисбатан мос келмаганда, Истеъмолчи газ қабул қилиш ёки унинг учун ҳақ тўлашни рад этганда Етказиб берувчидан етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган газ ҳажми қийматининг 20 фоизи миқдорда жарима тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Агар, газ қиймати тўланган бўлса, Истеъмолчи Етказиб берувчидан белгиланган тартибда тўланган суммани қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

8.5. Етказиб берувчи томонидан шартномада кўрсатилган ҳажмлардан кам газ етказиб берилганда, Етказиб берувчи Истеъмолчга муддатли ўтган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган суммасининг 0,5 фоизи миқдорда, бироқ етказиб берилмаган газ қийمатининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

8.6. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ ҳақи ўз вақтида тўланмаган тақдирда, Истеъмолчи муддатли ўтган ҳар бир кун учун муддатли ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, бироқ муддатли ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

## IX. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

9.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, бирча амалдаги қонун ва қондаларга оид шартларни ва талабларни талбик этилишини ифодалайди ва қафолатилади.

9.2. "Истеъмолчи" "Етказиб берувчи"га мажбурият шартнома доирасида қуйидагиларни қафолатилади ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўзи зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агеитлари ва бошқа шакллари), истеъмолчи маишаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, "Етказиб берувчи"нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг бирча қонун ва қондаларига қатъий риоя қилади.

## X. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

10.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар юзга келган тақдирда томонлар қондага қўра, уларни сулғача хал этиш чораларини кўрадилар.

10.2. Келишмовчиликлар ва низоли масалаларни хал этиш учун тарафлар белгиланган тартибда жавобгар жойлашган жойдаги тегишли суғда мурожаат қилишга ҳақлилар.

10.3. Шартнома шартларини бир томонлама рад этиш ва бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонунда белгиланган ҳолатлар булдан мустасно.

### XI. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАР

11.1. Томонлар:

- а) таъбий офатлар;
- б) магистрал газ қувурларида ва газ тармоқларида, газни кайта ишлаш қорхоналари ва газ казиночиқариш жойларида қутылмаган авария вазиятлари юзга келганда, шунигиндек енгиб бўлмаг кучлар туфайли содир бўлган таъбий офатлар, хуусуван, сел, ёғиар, сув тошқини, ёнган чикюши, ер қимирлаши, вирусу тарқалиши ва пандемия даврида ҳамда Ҳукумат қарорига асосан тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажариш имкони бўлмаг ҳолатида жанобгарликка жалаб этилмаслици, газ етказиб беришни тўхтатиш, қисқартириш ёки мувосабатларини тўхтатиш ҳуқуқица эга бўладилар.
- 11.2. Форс-мажор ҳолатлар юзга келган тақдирда, тарафлар ҳар қандай алова вояитавен ёрдамда бир-бирини хабардор қилиши керак.
- 11.3. Агар, кўрсетилаган ҳолатлар 90 кундан ортик кун мобайнида саксиниб турса, томонлар муозаралар йўли билан шартномани келгусида бажариш тўғрисидаги қарор қабул қиладилар.

### XII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

- 12.1. Ушбу шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмилаштририлиши ҳамда тарафлар томондан имзолиниши керак.
- 12.2. Бюджет ташкилотлари учун шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сон қарорига асосан Ёзанацлик бўлими томондан мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучца қиради.
- 12.3. Шартнома 2022 йил 31-декебр гача бўлган муддатта тузилган. Шартноманинг муддати тугатанидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисида талаб билан муружат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга уайтирилган ҳисобланади. Бюджет ташкилотлари учун шартнома бир йилга тузилади, шартноманинг муддати тугатанидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисида талаб билан муружат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга уайтирилган ҳисобланади. Бюджетдан маблағ олувчилар ҳар йили "20 " йил \_\_\_\_\_ санастига" амал қилишлари лозим.
- 12.4. Томонларнинг ушбу шартнома бўйича лавьолари лавьо қабул қилиниги кундан бошлаб 30 кун мобайнида қўриб чиқилади.

### XIII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОНДАЛАР

- 13.1. Ушбу шартнома томонларнинг ҳар бири учун икки нусхала тузилган, иккала нусхасидам бир ҳил юридик кучца эга.

### XIV. ТОМОНЛАРИНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛИ:

<p>«ЕТКАЗИМ БЕРУВИЧ» «Хуалал Корказаштигон» газ таъминоти филиали</p> <p>Манзил: Тел. Факс: Нукусу шаҳри, Бердах туари №179</p> <p>КТУТ коди _____</p> <p>XXТУТ _____ 35320</p> <p>Боғлиниш телефони: 0361 224-04-08, 224-00-59, 224-02-43</p> <p>х/р: _____</p> <p>Банк номи «Узоновтурлиш банк Ракат филиали»</p> <p>МФО: 00435</p> <p>ИНН: 306605769</p> <p>Х/Р: <u>2263400805113960483</u></p> <p>Рақабр: <u>Х. А. Маков</u> (ёки ва)</p> <p>Иванни: _____</p> <p>Муар Урин: _____</p>	<p>«ИСТЕМОЛЧИ»</p> <p><u>Шокаси Райков</u> <u>Карин Бойши</u></p> <p>(буджет ташкилотлар, ҳўжалик юригувчи субъектлар номи)</p> <p>Пошта манзили <u>Ур. Д. С. С. С. С. С. С.</u></p> <p><u>Гузафар</u></p> <p>ОКПО коаи _____</p> <p>ОКЭЛ _____</p> <p>Мулокат телефони <u>546-16-75</u></p> <p>Гал. х. <u>23402003001000001010</u></p> <p>Банк номи: <u>Узбекистон</u></p> <p><u>Банк Ташкили</u></p> <p>МФО <u>000 Р4</u></p> <p>ИНН <u>200399653</u></p> <p>ш/х <u>1000225035243711312092003</u></p> <p>х/р _____</p> <p>Гозиналик (буларавен прона) _____</p> <p>Рақабр: <u>Б. Шайхитов</u> (ёки ва)</p> <p>Иванни: _____</p> <p>Муар Урин: _____</p>
--	---



Юридик вазиятларга ҳуудан

(Ф.И.Ш.) \_\_\_\_\_ (ном, муар) \_\_\_\_\_ (сана)



Юрист \_\_\_\_\_  
"11" \_\_\_\_\_ 21 АНВ 2022 20 г.